

“Сув таъминоти ва оқава сув объектларини қурилиши бўйича ИК” УК Фарғона вилояти худудий бошқармаси бошлиғи Р.Холикназаровга

Техник шарт

Сизнинг 2022 йил 10 июндаги 265–сонли хатингизга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 6 июндаги “Худудларда махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналарини ташкил қилиш ва уларни муҳандислик-коммуникатция инфратузилмаси билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-271 сонли қарорига асосан, Қува тумани Турк МФЙ худудида ташкил этилаётган Турк 2 кичик саноат зонасини ичимлик ва оқава сув билан таъминлаш мақсадида қуйдаги техник шарт бажарилиши талаб этилади.

Ичимлик сув бўйича

Қува тумани Турк МФЙ худудида ташкил этилаётган Турк 2 кичик саноат зонасини 94,4 м³/сутка ичимлик сув билан таъминлаш учун **уланиш нуқтаси:** “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ Қува туман бўлимига қарашли ичимлик сув манбалари мавжуд бўлмаганлиги сабабли, Турк МФЙ худудидаги кичик саноат зонасига 1 дона ичимлик сув қудуғи қозиш, 1 дона замонавий электр тежамкор сув насоси ўрнатиш, 1 дона сув минораси ўрнатиш, UZSUVTAMINOT логотипини бўйлаш, лойиха асосида ТП ўрнатиш ва икки томонлама электр энергия тармоғи тортиш, замонавий сув ва электр хисоблагичлар ўрнатиш, автоматик ўчириб ёқиш ускунаси (поплавок) ва электр авария генератори ўрнатиш, лойиха асосида ичимлик сувини зарарсизлантириш биноси қуриш ва лойихага мос ускунаси ўрнатиш ҳамда жами узунлиги 1,5 км ичимлик сув қувури лойиха асосида қувур диаметри ва ер сатҳи чуқурлиги аниқланиб замонавий пайвандлаш дазмоли ёрдамида монтаж қилиниши ҳамда ичимлик сув иншооти худуди СЭО ва ЖС талабларига мос равишда ўралиши, видеокузатув ва ёритиш тизимлари қуриш шарт.

Оқава сув бўйича

Қува тумани Турк МФЙ худудида ташкил этилаётган Турк 2 кичик саноат зонасини марказий оқава сув тармоғига улаш учун **уланиш нуқтаси:** Худудда жамиятимизга қарашли оқава сув тармоғи мавжуд бўлмаганлиги сабабли СЭО ва ЖС билан келишилган холда лойиха асосида объектининг оқава сувлар хажми хисоблансин ҳамда локал оқава сув тозалаш иншооти (ЛОС) қуриш ишлари ШНК, ҚМҚ ҳамда СЭО ва ЖС талабларига мос равишда амалга ошириш шарт.

Ичимлик ва оқава сув тармоқларини қурилиш-монтаж ишлари даврида бошқа муҳандислик коммуникациялари (электр, газ, алоқа ва бошқалар) тармоқларига шикаст етказмаслик мақсадида, тегишли корхоналардан хулоса олиш кўзда тутилсин.


Ушбу техник шартда берилган барча ишларни амалга оширишда тажрибали лойиха институтларини жалб қилган ҳолда амалга оширилиши ва давлат экспертиза хулосалари олингандан сўнг, қурилиш монтаж ишлари амалга оширилсин. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июл кунги 194-сонли қарорининг 2-илова 30-бандига асосан, буюртмачи томонидан тайёрланган ичимлик ва оқава сув лойиха смета хужжатлари “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ билан келишиш ва 1(бир) нусха лойиха смета хужжатлари берилиши шарт. Акс ҳолда ушбу лойиха смета хужжатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июл кунги 194-сонли қарорининг 2-илова 30-бандига асосан мазкур қурилиш-монтаж ишлари учун тайёрланган лойиха смета хужжатлари келишилмаган ҳисобланади ва мазкур объектлар “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ томонидан қабул қилинмайди.

~~Барча қурилиш материаллари сифат сертификатига эга бўлиши шарт.~~

Ушбу техник шарт берилган кундан бошлаб 2 (икки) йил мобайнида ҳақиқий деб ҳисобланади.

“Фарғона сув таъминоти” МЧЖ


Бош муҳандиси:



И.Абдуллаев

“Фарғона сув таъминоти” МЧЖ

ИЧБ бошлиғи:



С.Абдуллаев